

КЎХНА ТЕРМИЗ ХУДУДИДАГИ МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАР, УЛАРНИНГ МЕЪМОРИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА АШЁЛАРИ ТЎҒРИСИДА.

Шаринов Баҳодир Холбоевич

Термиз давлат университети катта ўқитувчиси

Аннотация: Кўхна Термиз ҳудудида қадимда қурилган ва ҳозирги давргача бир қисм сақланиб қолган баъзи қадимий меъморчилик иншоотлари ҳақида, кулолчилик каби моддий амалий санъат ҳисобланмиш қадимий ва шунинг билан бирга замонавий маданият ҳақида, қадимий ибодатхоналар, қадимий шаҳарсозликнинг ҳозирги замон архитектураси ва шаҳарсозлигигача алоқадор бўлган архитектура элементлари ва уларнинг янги давр меъморчилигидаги ўрни ҳақида ёритилмоқда. Бу билан қадимий шаҳар марказлари, шаҳар деворлари, аҳоли яшаш ҳудудлари, аҳоли яшаш тарзи, аҳолининг меҳнат фаолияти, сув иншоотлари, ҳамда уларнинг ҳозирги давр меъморчилигидаги ўрнини, соҳага қизиқувчилар оммасига тақдим этишни хохладик. Қадимий архитектура ва шаҳарсозлигимиз ҳақида маълумот бериш, архитектура, шаҳарсозлик, бино-иншоотлар архитектураси йўналишида, кўприкларни, йўлларни, сув иншоотларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг соҳага бўлган қизиқишининг ошишига сабаб бўлади. Илмга чанқоқ талабалар ва ёш мутахассисларга, тарихни ўрганиб, келажак архитектурасини яратиш йўлидаги изланишларида омад тилаймиз!

Калит сўзлар: Қадимий меъморчилик - қадимий даврлар архитектурасининг ҳозирги давр архитектура адабиётларидаги аталиши. Монументал ёдгорликлар - ҳайкалчалар, ўйма ва бўртма тасвирлар туширилган элементлар. Будда ибодатхоналари- қадимий буддистлар сиғинадиган манзилгоҳлари. Қалъа деворлари - қадимда пахса ёки ғишт билан ўралган шаҳар атрофи деворлари, аҳолини турли ташқи хавф-хатарлардан ҳимоя қилиб турган.

ABOUT THE ARCHITECTURAL MONUMENTS IN THE TERMIZ TERRITORY, THEIR ARCHITECTURAL ELEMENTS AND ITEMS

Sharipov Bahodir Kholboevich

Senior lecturer of Termez State University

Abstract: About some ancient architectural structures built in the territory of ancient Termez and some of which have survived to the present day, about ancient and modern culture, which is a material applied art such as pottery, ancient temples, architectural elements related to ancient architecture and urban planning and their place in the architecture of the new period. In this way, we wanted to present the ancient city centers, city walls, residential areas, lifestyle, labor activity of the population, waterworks, as well as their place in modern architecture, to those interested in the field.

Providing information about our ancient architecture and urban planning will increase the interest of students in the field of architecture, urban planning, architecture of buildings, design and construction of bridges, roads, waterworks. We wish science-hungry students and young professionals the best of luck in their research into history and the creation of the architecture of the future!

Keywords: Ancient architecture is the term for the architecture of ancient times in the modern architectural literature. Monumental monuments are elements with statues, carvings and embossed images. Buddhist temples are places of worship for ancient Buddhists. Fortress walls are the perimeter walls of the city, which in ancient times were covered with cotton or brick, protecting the population from various external dangers.

Кўҳна Термиз ҳудудида қадимда қурилган ва ҳозирги давргача сақланиб қолган ва бир қисм сақланиб қолган баъзи қадимий меъморчилик иншоотлари, кулолчилик, кошинкорлик каби моддий амалий санъат ҳисобланмиш қадимий ва шунинг билан бирга замонавий маданият ҳақида, ҳайкалтарошлик ва заргарлик каби амалий безак санъати ҳисобланмиш қадимий меъморчиликнинг

элементлари ҳақида, уларнинг қадимий меъморчилик ҳамда ҳозирги замон архитектураси ва шаҳарсозлигида тутган ўрни ҳақида сўз юритамиз.

Ўрта Осиё халқларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида қадимдан шаҳарларнинг барпо этилиши муҳим ўрин тутган. Шаҳарлар бир неча минг йиллар давомида шаклланган ва ривожланган давлатчилик анъаналари ва маҳаллий аҳоли турмуш тарзини акс эттирувчи мезонлардан биридир. Қадимдан, одатда шаҳар деворлари аҳолини турли ташқи хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш, шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни осуда бошқариш ва бир маромда сақлаб туришда аҳамият касб этган.

Кўҳна Термиз обидалари ўзининг такрорланмаслиги билан ҳамиша қадимги давр муаллифлари, илк ўрта аср Чин сайёҳлари ва мусулмон даври тарихчиларининг диққати марказида бўлиб келганлиги кўпгина манбаларда учрайди. Кўҳна Термизда дастлабки археологик қазишма ишларига профессор Б.П.Денике (1926-1928-йиллар) бошчилик қилган ва Зурмала, Қоратепа каби ёдгорликларни аниқлаган. Бунда олим шаҳар майдонида милодий VIII асргача маданий қатламлар мавжуд бўлганлигини исботлаган.

Кенг кўламдаги археологик қазишма ишларининг ўтказилиши профессор М.Е.Массон бошчилигида (1936-1938-йилларда) фаолият кўрсатган Термиз археологик экспедицияси билан боғлиқ.

Термизнинг Кушон даврига оид иншоотлари бу шаҳардаги мавжуд будда ибодатхоналари ва улардан топилган санъат намуналари Осиё ва Ҳиндистон алоқаларини ўрганишда янги саҳифани бошлаб берди. Будда дини ва у билан боғлиқ бўлган меъморчилик иншоотларининг Чин ва Узоқ Шарқ мамлакатларига тарқалиши ҳам айни қадимги Термиз шаҳри орқали содир бўлган. Қадимги Осиёнинг марказий вилоятларини Шимолий Ҳиндистон ерлари билан боғлаган "Буюк ипак йўли"нинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган савдо йўли ҳам айни шу кўҳна Термиз орқали ўтган.

Кўҳна Термиз харобалари ҳозирги Термиз шаҳридан 8-9 км жанубий ғарбда, Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Қарийб 2500 йиллик тарихга эга Термиз Осиё халқлари маданий тараққиётида муҳим ўрин тутди.

1969-1976-йиллар давомида Термиз шаҳрининг ташқарисида жойлашган яна бир будда ибодатхонаси Ўз.ФА Археология институти ва вилоят ўлкани ўрганиш музейининг экспедицияси томонидан ўрганилди. Бу қазилма ишларига Л.И.Альбаум ва А.А.Козловскийлар бошчилик қилишди.

Кушонлар даврида Термиз 350 гектарда жойлашган бўлиб, унинг аҳолиси тахминан 50 минг кишини ташкил қилган. Ўз даврининг энг йирик шаҳарларидан бирига айланган Термизда қадимги Шарқ маданиятининг илғор йўналишлари уйғунлашган.


Термизнинг қадимги давридаги ички тузилиши ҳақидаги маълумотлар жуда чекланган. Сабаби у даврда қурилган иморатлар кейинчалик текисланган ёки бир неча метр чуқурликда қўмилиб кетган.

Мовароуннахр орқали 630 йилда Термизга келган Сюань-Цян исмли Хитой сайёҳининг айтишича Қадимги Термиз шаҳрининг ҳудуди 20 ли (10 км) ни ташкил этган.

Фаёзтепа ёдгорлиги Термиз шаҳри яқинидаги Эски Термиз шаҳар харобаларининг шимоли-ғарбида Қоратепадан 1 км шимоли-шарқда жойлашган. Фаёзтепа ёдгорлиги 1968-1976 йилларда археолог Л.И.Альбаум, 2004-2006 йилларда археолог Т.Аннаев раҳбарлигида тўлиқ қазиб очилган ва ўрганилган. Фаёзтепа ўрнидаги бу диний марказ қадимда бу жойдан топилган ёзув намуналарига кўра, “Хая-Виҳара” яъни “Отлилар монастири” деб аталган. Фаёзтепа манзилгоҳининг узунлиги 113 метр, эни 34 метрга тенг бўлиб, уч қисмдан марказий қисмида – ибодатхона, шимоли-ғарбида монастир, жануби-шарқда хўжалик қисмларидан иборат. Ибодатхона қисми – 19 та, хўжалик қисми – 15 та, монастир қисми – 12 та хонадан иборат. Хоналар гумбаз ва тоқлар билан ёпилган, йўлақлар тоқлар билан ёпилган, деворларнинг қалинлиги 1,6 метр. Ибодатхонанинг умумий баландлиги 4-4,5 метрни ташкил қилган. Ступа жойлашган қисмнинг ўлчами 20 метрга 20 метр, ступанинг диаметри – 4 метрдан иборат. 1980 йилдан буён Эски Термизда Ўзбекистон Республикаси ФА Археология институтининг Ш.Р.Пидаев бошчилигидаги Термиз экспедицияси кенг кўламда археологик қазилма ишлари олиб бормоқдалар.

Мазкур экспедиция ходимлари шаҳарнинг дастлабки шаклланиш жараёнларини аниқлаш мақсадида унинг арк қисмида, муҳофаа иншоотларида, шаҳар маҳаллаларида, кулоллар устахоналарида кенг қўламда қазилма ишларини олиб бордилар. Натижада милоддан олдинги I-минг йилликдан тортиб, XVII асрга қадар Термиз шаҳри халқларининг моддий ва маънавий ҳаётини ёритувчи қўплаб археологик далиллар қўлга киритилди. Экспедиция таркибида Сурхондарёлик археолог олимлар Т. Аннаев, А. Бобоҳўжаев, Ш.Рахмонов, Ш. Шайдуллаевлар Эски Термиз ёдгорликларини ўрганишда фаол иштирок этдилар.

ФАЁЗТЕПА – БУДДА ИБОДАТХОНАСИ



Бухоро хонлиги тасарруфидаги шаҳарлардан бири Термиз эди. Шаҳар деворини XVI- аср муаррихи Ҳофиз Таниш Бухорий: ”жуда қудратли”,¹ деб таърифласа, XVII- аср муаллифи Маҳмуд ибн Вали эса “Шаҳар мустаҳкам девор билан ўралган”,² деб қайд этган. Бухоро хонлигининг бошқа кўпгина катта ва кичик шаҳарлари ҳам лой деворлар билан ўралган эди. Худди шунингдек XIX- аср ўрталарида Бухорода асирликда бўлиб қайтган Корнило Суворовнинг таъсуротларида келтирилишича “Каттакўрғон, Зиёвуддин, Кармана, Янгиқўрғон, Керки, Қарши, Жиззах ҳам “лой билан ўралган” эди”.

¹Ҳофизи Таниш Бухари. *Шариф-наме-йи шахи*. (книга шахской славы). Факсимиле рукописи. Д.88/Перевод с персидского, введение, примечания и указатели Салахетдиновой М. А.ч. II М., 1987.

²Маҳмуд ибн Вали. *Море тайн относительно доблестей благородных (География)/Введение, примечания и указатели Ахмедова Б.А. Ташкент. 1977.*

“Шаҳарлар атрофларидаги қўрғон деворлар шаҳарларни муҳофаа қилиш ва шартли равишда маъмурий чизиқ (чегара) вазифасини ўтаган.

Қўрғон деворлари кўпроқ пахса ва хом гиштан қурилган бўлиб, калинлиги тепага қараб ингичкалашиб борган. Одатда деворларнинг тепа сатҳи шундай бўлганки, унинг устида навкар, хатто баъзан икки отлиқ ёнма – ён юра олган. Деворнинг ташқи томонида кунгуралари бўлган. Девор сиртидан ташқарига чиққан буржлар ҳам функционал – девор тагига келиб қолган душманга ўқ узиш ҳам бадий – меъморий девор текислигининг пластикаси вазифаларини ўтаган.

Шаҳарларнинг тархий тизими аксари қуйидагича бўлган. Ўртада шаҳарнинг асосий маркази бўлмиш бозор жойлашган. Регистон ҳам шу ерда бўлган. Бош кўчалар, биринчи даражали кўчалар марказдан радиал йўналишда тарқалган. Улар одатда шаҳарнинг қўрғон деворидаги дарвозалар мавжудлиги билан ажралади ва девор ортида бошқа шаҳар ва қишлоқларга олиб борадиган йўлга айланиб кетади. Бош кўчалар бир мунча тўғрилиги ҳамда бироз кенглиги билан характерланади.

Шаҳар деворлари Ўрта Осиёда давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга хизмат қилган. Шаҳар деворлари олдида кўп ҳолларда божхоналар жойлаштирилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. "Кўҳна Термиз тарихидан лавҳалар". Термиз.1991йил. Т. Аннаев. П. Жўраева
2. "ДРЕВНЯЯ БАКТРИЯ" Ленинград."Наука"1974г. Отв.ред. В.М. Массон
3. Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш., Кочнев Б. Термиз Буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Тошкент.: 2001.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд, Тошкент.: 2005
5. "Путешествие по Средней Азии".М. Вамбери А. 1867г.
6. Шишкин В.А. Архитектурные памятники Бухары.Ташкент, 1936.с.30.
7. Полатов, М. (2020). Повышение эффективности строительства зданий и сооружений за счет изучения оптимального решения беспесочного состава бетона. *Экономика и социум*, (10), 651-654.

8. Пулатов М.Р. Рахимов А.К., Методика экспериментального исследования сдвиговой жёсткости диафрагмы профилированного настила. *Экономика и социум*, 10(89) 2021, 272-277.
9. Mirkamol Polatov Rasuljonovich, Rahimov Qaxxorovich, Choriyev Anvar Dzhumayevich., Method of experimental study of shear stiffness of profiled flooring diaphragm. *ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10) 2021, 1180-1183.